



audit alfa

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

ANDIJON SHAHAR

“Audit-ALFA” MCHJ

auditorlik tashkiloti

Andijon sh A.Navoiy shox ko'chasi 35-uy

INN-306986446 x/r 20 208 000 905 157 221 001

AT Invest Finans Bank Andijon Viloyat filiali MFO-01114

№ 12

«15» март 2024 йил

«АНТЕКС» акциядорлик жамиятининг 2023 йил 01 январдан 2023 йилнинг 31 декабрга қадар бўлган давридаги молиявий-хужалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви натижаларига қура ижобий билан фикр билдирилган
А У Д И Т О Р Х У Л О С А С И

Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти Андижон шаҳар Давлат хизматлари марказида 2020 йилнинг 20 августда 795679-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг аудиторлик фаолияти юретиш ҳуқуқини берувчи 2020 йил 22 январдаги 00839-сонли лицензияга эга бўлган МЧЖ «AUDIT-ALFA» аудиторлик ташкilotи «АНТЕКС» акциядорлик жамияти билан 2024 йил 01 мартда тузилган 12-сонли шартномага асосан 2023 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабрга қадар бўлган даврлар молиявий фаолияти аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Аудитор Н. Курбонова (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг малака сертификаті № 05598) томонидан «АНТЕКС» акциядорлик жамиятининг 2023 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган «Бухгалтерия баланси», «Молиявий натижалар тугрисида»ги ҳисоботларининг ишончилиги мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар «АНТЕКС» акциядорлик жамиятининг 2023 йил 31 декабргача бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига (БХМС) мувофиқ ҳаққоний акс эттиради.

Ижобий фикр билдириш учун асос.

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу ҳулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз жамиятдан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профиссионал бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талабларига ва ахлоқий қоидаларига, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари ижобий фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг муҳим масалалари

Аудитнинг муҳим масалалари- ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, БХМСга мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар корxonанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида ақс эттириш. Ақлли ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга қафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профиссионал мулоҳаза юртамиз ва профиссионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи хатти-харакатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- корxonанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади⁴;
- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корxonанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ходисалар билан боғлиқ муҳим ноаникликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаникликлар мавжуд деган ҳулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаникликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаникликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит ҳулосамиз олинган аудиторлик далиллари асосланади. Келажакдаги воқеа ва ходисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва тарқибини, шу жумладан маълумотларнинг ошқор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ходисаларни ишончли тарзда тақдим этилишини баҳолаймиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.

Биз шунингдек Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошқор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам



холларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган хулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Бошқа қонуи ва тартибларга мувофиқ ҳисобот

• Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” қонунинг 6 моддаси билан белгиланган бухгалтерия ҳисобининг асосий томайилларига риоя этилган, хўжалик операциялари назорати, ҳисоб-китоб ҳужжатларини сақлаш тегишли тартибда амалга оширилмоқда.

• Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ бажарилган ишлар ва хизматлар қабул қилиш ва етказиб бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоботлари раҳбар томонидан ёки у белгиланган мутасадди шахслар томонидан имзоланмоқда.

• Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ тегишли ҳисоб регистрлари юритилган ва ушбу модданинг 3-бандига мувофиқ ҳисоб регистрларига тузатишлар киритилмаган.

Молиявий ҳисоботлар қонуннинг 19- моддасига мувофиқ тарзда белгиланган муддатларда тақдим этилмоқда.

МЧЖ "АУДИТ-АЛФА" ширкатининг директорлик
ташқиқоти директори ўринбасари:



Н. Курбонова